

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

333 Болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича
харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
2 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1927-2*

(2011 йил 12 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 14-сон, 142-модда) мувофиқ **бюро-ман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 24 февралдаги 27-сон буйруғи (рўйхат рақами 1927, 2009 йил 27 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 13-сон, 151-модда) билан

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

тасдиқланган «Болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 28 июль,
45-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2011 йил 28 июлдаги
45-сон буйруғига
ИЛОВА

**Болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича
харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Рус тилидаги матннинг 3 ва 9-бандларидаги «Главным управлением» сўзлари «Главным управлением финансирования» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 5-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5. Нафақаларни тайинлаш ва тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 14-сон, 142-модда) билан тасдиқланган Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади».

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири*

А. ХАЙТОВ

2011 йил 28 июль